

---

## 15 апрель – Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари учун байрам тадбири ташкил этилди

Нафақат ҳар бир хонадонга, балки, ҳар бир кўнгилга маданий руҳият олиб кирувчи соҳа вакиллари бугун “Тарона” тантаналар саройида жамланди.

Тадбирни очиб берган туман раҳбари туманда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳақида сўзлар экан, бу борада соҳа вакилларининг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Соҳа ходимларини касб байрами билан қутлади.

Тадбир давомида бир гуруҳ соҳа ходимлари фидокорона хизматлари учун туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2023-04-14 23:04:24